



ПЕНСИЯ ЖАМГАРМАСИ ДАРОМАДЛАРИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

Ачилов Уйгунжон Улугбекович,

Тошкент молия институти мустақил изланувчиси

Тошкент, Ўзбекистон. gmail: iugunachilov@gmail.com

ORCID: 0000-0001-6991-5629

ECONOMETRICAL MODELING OF PENSION FUND INCOME AND SOLUTION OF FINANCING PROBLEMS

Achilov Uygunjon Ulug'bekovich,

Scientific researcher of Tashkent Institute of Finance

Tashkent, Uzbekistan. gmail: iugunachilov@gmail.com

ORCID: 0000-0001-6991-5629

JEL Classification: C15,J2,J26

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистонда пенсия жамгармаси даромадлари ҳажми ўзгаришиларига макроиктисодий омиллар таъсирини баҳоловчи эконометрик моделлаштириши амалга оширилган. Мақолада пенсия таъминоти тизимининг муаммоли жиҳатлари, пенсия миқдорларининг ошиб бории сабаблари ҳамда Пенсия жамгармалари даромадларини ошириши кенгайтириши зарурлиги асосланган. Ҳозирги кунда жаҳон мамлакатларида пенсия тизимида юзага келаётган муаммолар орқали мавзунинг долзарбилиги ёритиб берилган. Соҳага оид иқтисодчи олимларнинг илмий шилари ўрганилган.

Тадқиқотда иқтисодий воқелик жараёнларини ўрганишининг илмий усулларини умумлаштириши, гуруҳлаштириши, таҳлилнинг мантиқий ва тақослама усуллари, қиёсий таҳлил, статистика, истиқболли прогнозлаши ва гуруҳлаш усулларидан кенг фойдаланилган.

Пенсия жамгармаси даромадлари ўзгаришиларига таъсир этувчи омиллар аниқланган ҳамда уларнинг статистик

кўрсаткичлари ўрганилган. Ўрганишлар асосида бир қатор назарий қарашлар илгари сурилган.

Пенсия жамгармаси даромадлари ҳажмига таъсир этувчи омиллар сифатида тадқиқотда иқтисодиётда бандлар сони ҳамда базавий ҳисоблаши миқдори кўрсаткичлари олинган. Мазкур икки омилнинг Пенсия жамгармаси даромадларига боғлиқлик даражасини кўрсатувчи корреляция коеффициенти Пирсон ҳамда Спирман формулалари орқали ҳисобланган.

Эконометрик моделлаштириши таҳлиллари Стата дастурий мајмуасида амалга оширилган. Омиллар таъсири баҳоланган ҳамда тегишили эконометрик модел қурилган. Моделнинг статистик жиҳатдан аҳамиятлилиги Фишернинг F -критерийси ҳамда Стюдентнинг t -мезони орқали баҳоланган. Модел бўйича тегишили индуктив таҳлил амалга оширилган ва хулосалар шакллантирилган.

Abstract: In this article, econometric modeling is carried out, which evaluates the impact of macroeconomic factors on the

changes in the income of the pension fund in Uzbekistan. The article focuses on the problematic aspects of the pension system, the reasons for the increase in pension amounts, and the need to increase and expand the income of Pension Funds. Currently, the relevance of the topic is highlighted through the problems arising in the pension system in the countries of the world. Scientific works of economists related to the field were studied.

Generalization, grouping, logical and comparative methods of analysis, comparative analysis, statistics, forward-looking forecasting and grouping methods of scientific methods of studying the processes of economic reality are widely used in the research.

The factors influencing the changes in the pension fund's income have been identified and their statistical indicators have been studied. Based on the studies, a number of theoretical views have been put forward.

As factors influencing the size of pension fund income, the number of items in the economy and the base calculation amount were taken in the research. The correlation coefficient indicating the degree of dependence of these two factors on the Pension Fund's income was calculated using the Pearson and Spearman formulas.

Econometric modeling analyzes were performed in the Stata software package. The influence of the factors was evaluated and an appropriate econometric model was built. The statistical significance of the model was assessed by Fisher's F-test and Student's t-test. Appropriate inductive analysis of the model was carried out and conclusions were drawn.

Kalit so'zlar: pensiya, pensiya jamg'armasi, ijtimoiy soliq, moliyaviy barqarorlik, ixtiyoriy badal, milliy

iqtisodiyot, yalpi ichki mahsulot, ekonometrik model, pensiya tizimi, bazaviy hisoblash miqdori, iqtisodiyotda band bo'lganlar, korrelyatsiya koeffitsiyenti.

Key words: pension, pension fund, social tax, financial stability, voluntary contribution, national economy, gross domestic product, econometric model, pension system, basic calculation amount, people employed in the economy, correlation coefficient.

Кириш. Бугунги кунда юртимизда пенсия соҳасини тараққий эттириш, Пенсия фондини маблағга бўлган эҳтиёжини барқарор пул билан таъминлаш амалдаги пенсия соҳаси механизмларини янгилаш чорасини кўриш лозимлигини акс эттириди. Хусусан, инсонлар ўртасида ўртacha яшаш ёшининг йилдан йилга ортиб бораётганлиги, пировардида давлатдан ижтимоий таъминот олувчиларнинг муттасил ортиб бораётганлиги, ишловчиларнинг аксарияти меҳнат фаолиятини норасмий ҳамда хуфиёна тарзда олиб бориши келгусида уларнинг тўлиқ микдорда пенсияга чиқишига тўсиқ бўлаётганлиги, пенсионерларнинг пенсия микдори ҳамда уларнинг хизмат йилларининг ўзаро мутаносиблиги жуда кучизлиги, пенсияга чиқиш учун талаб қилинадиган етти йиллик даврнинг ишловчиларнинг пенсия тизимидағи иштирокига тескари таъсир кўрсатиши, пенсия фондларининг хусусий шаклдагиларининг ҳанузгача тузилмаганлиги ҳамда бошқа кўмлаб жиҳатлар миллий пенсия тизимимизда ҳанузгача кўплаб муаммоли ва мунозарали масалалалар кўплигини ҳамда уларни ижобий ҳал қилиш чоратадбирларини кўриш зарурлигини кўрсатади. Шунга кўра, пенсия ва



нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш, пенсия тизимини тубдан ислоҳ қилиш[1] мухим йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилди.

Таъкидлаш жоизки, Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш жаҳонда энг долзарб муаммолардан бирига айланиси бормоқда. Бу айниқса, дунёning ривожланган мамлакатларида янада яққол юзага чиқмоқда. Жаҳон мамлакатлари пенсия тизимининг молиявий барқарорлини таъминлаш мақсадида пенсия ислоҳотларини ўтказишга мажбур бўлишмоқда. Бу ўз навбатида пенсионерлар ва ёши катта авлод вакилларининг норозиликлари га сабаб бўлмоқда. Хусусан, Францияда 2019 йилнинг декабрида хукумат томонидан эълон қилинган пенсия ислоҳоти лойиҳаси Франция жамиятида улкан норозиликни келтириб чиқарди ҳамда сўнгги эллик йилликдаги энг катта иш ташлашларга олиб келди, норозилик бир неча ой давом этди ва Франциянинг 61 фоиз аҳолиси томонидан қўллаб-куватлади [2]. 2018 йилда Россия Федерациясида пенсия ёшини ошириш билан боғлиқ федерал қонуннинг қабул қилинишига қарши жамоат июндан ноябрга қадар кенг қамровли норозилик ва эътиrozларини хукуматга изҳор қилишди [3]. 2017 йилда Испанияда истиқболда пенсия миқдорларининг инфляция даражасидан пастроқ оширилиши юзасидан кўплаб испанлар хукуматга ўз норозиликларини билдирилар [4]. Пенсия тизимида жамиятнинг бу каби эътиrozлари дунёning аксар бошқа мамлакатларида ҳам учраши барчага кундек равшан назаримизда.

Материал ва метод.

Охирги йилларда Ўзбекистон пенсия таъминоти тизими ҳам такомиллаштириш ва ислоҳотга мухтоҷлиги давлат даражасида эътироф этилди ҳамда тизимда бир қатор чоратадбирлар амалга оширилди, хусусан, ишловчи пенсионерларга пенсияларнинг тўлиқ миқдорда тўланиши, пенсия миқдорини аниқлаш учун ҳисобга олинадиган ўртacha ойлик иш ҳақи миқдорининг юқори чегарасининг оширилиши кабилар шулар жумласидандир. Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, миллий пенсия тизимини такомиллаштириш, “ижтимоий суғурта тизимини ислоҳ қилиш, шунингдек, уч даражали пенсия таъминоти тизимида ўтиш зарурлиги” [5]. мамлакат Президенти Ш.Мирзиёев томонидан алоҳида таъкидланди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, пенсия харажатларининг ортиши Пенсия жамғармаларининг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади, иккинчи томондан мамлакатдаги иқтисодий вазиятнинг ёмонлашиши, солик тизимидағи ўзгаришлар ҳам Пенсия жамғармаларининг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бироқ, пенсионерларнинг фаровон турмуш кечиришларини таъминлаш ва яхшилаш давлат сиёсатининг мухим қисмидир, шу нуқтаи назардан, пенсия миқдорларининг ошириб борилишини ижобий қабул қилиш даркор. Мухим масала, Пенсия жамғармасига етарли миқдорда маблағни тўплаш масаласидир, бу маблағ эса аксарият мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам, иқтисодиётдан соликлар ва мажбурий тўловлар кўринишида ундирилади. Демакки, пенсия тизимидағи мухим масала пенсия миқдорларининг ошириши шароитида жамғармаси

молиявий барқарорлигини таъминлаш ва етарли маблағ билан таъминлаш бўлиб қолаверади.

Пенсия жамғармаси даромадларини ошириш охириги ўн йилликларда аксарият жаҳон мамлакатларида долзарб масалага айланиб улгурди. Чунки, аҳолининг ўртacha ёшининг ошиб бориши, иқтисодий инқирозлари, туғилиш даражасининг пасайиб бориши ва бошқа кўплаб омиллар таъсирида пенсия жамғармасининг харажатлари ортиб, тушумлар қўлами камайиб бормоқда. Кўпгина мамлакатларда бадаллар миқдори ўз мажбуриятларини бажариши учун етарли эмаслиги сабабли пенсия тўловларини молиялаштириш Давлат бюджетига тобора кўпроқ боғлиқ бўлмоқда ва дефицитни қоплаш харажатлари ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 1 фоизидан 5 фоизигача ташкил этади [6]. Миллий пенсия таъминоти тизиминининг молиявий барқарорлигини таъминлашда демографик омиллар, ижтимоий суғурта тизимида аҳолининг муносиб иштироқини таъминлаш ҳамда пенсия таъминотини молиялаштиришда самарасиз воситалар мавжудлиги, шунингдек, ижтимоий суғуртадаги рағбатлантирувчи механизmlарнинг заифлиги асосий омиллардан бўлиб майдонга чиқади [7]. Ўзбекистонда Пенсия жамғармаси давлат пенсия

таъминотини молиялаштириш билан шуғулланадиган ягона марказлашган жамғарма эканлигини ҳисобга олиб, жаҳонда, шу жумладан мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий ва демографик ўзгаришлар натижасида салбий таъсиrlардан жамғармани ҳимоя қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади [8]. Баъзи иқтисодчилар томонидан Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлашда фуқароларнинг даромадларини қонунийлаштириш механизмини такомиллаштириш, шу жумладан, ўз-ўзини иш билан таъминловчи ва хорижда меҳнат қилаётган меҳнат мигрантларини тизимга қамраб олишни кенгайтириш устувор вазифа ҳисобланиши таъкидланган [9]. Биз тадқиқотимизда, юқорида келтирилган илмий мақола ҳамда тадқиқотларни умумлаштирган ҳолда Пенсия жамғармаси даромадлари ўзгаришига омилларнинг таъсирини эконометрик моделлаштириш орқали тадқиқ қилишни мақсад қилдик.

Биламизки, Пенсия жамғармаси даромадлари солиқлар, бадаллар механизmlари орқали иқтисодиётда яратилган ялпи ички маҳсулотнинг бир қисмини қайта таксимлаш орқали шакллантирилади, шуни инобатга олган ҳолда тадқиқотни макроиктисодий омиллар таъсири орқали амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

1-жадвал

Ўзбекистонда Пенсия жамғармаси даромадлари, иқтисодиётда бандлар ва ўртacha йиллик базавий ҳисоблаш миқдори

Йиллар	Пенсия жамғармаси даромадлари (ПЖД), млрд.сўм	Иқтисодиётда бандлар (ИБ), минг.нафар	Ўртacha йиллик базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ), минг сўм
2010	5326	11628,4	41,20

2011	6177,9	11919,1	53,32
2012	7853,1	12223,8	64,31
2013	9741,8	12523,3	84,26
2014	11782,7	12818,4	100,40
2015	12534,4	15058,3	122,35
2016	14671,7	13298,4	135,12
2017	17707,5	13520,3	151,65
2018	24058	13273,1	180,84
2019	24339,0	14876,4	209,49
2020	29709,2	14797,4	223,00
2021	38170,0	14980,7	251,50

Изоҳ: Маълумотлар Пенсия жамғармаси, Статистика агентлиги, Марказий Банк маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди. Ўртача йиллик базавий ҳисоблаш миқдори пенсияни ҳисоблашида базавий ҳисоблашининг ўртасини ҳисоблаш методикаси асосида ҳисоблаб чиқилди. Базавий ҳисоблаш миқдори қонунчилликка 2019 йилда киритилган. 2019 йилгача минимал иш ҳақи тарзида қўлланилган.

Фикримизча, Пенсия жамғармаси молиявий ресурсларининг ўзгаришларига таъсирини кўриб чиқишида мамлакатдаги макроиктисодий ва пул-кредит ва фискал сиёsat муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг таъсирини эконометрик жиҳатдан ўзаро боғлиқликда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқdir.

Тадқиқотда, “Пенсия жамғармаси даромадлари ҳажмига иқтисодётда бандлар сони ҳамда ўртача йиллик базавий ҳисоблаш миқдори таъсир кўрсатади” деган гипотезани қўямиз, чунки, Пенсия жамғармаси даромадлари бевосита иқтисодитда бандлар учун тўланадиган ижтимоий солиқ тушумларидан шаклланади ва шу билан бирга бандлар сони қанчалик юқори бўлса, шунчалик ишлаб чиқариш даражаси ҳам катта бўлиши эҳтимоли юқори. Ўртача йиллик базавий ҳисоблаш миқдорининг ўзгариши эса бевосита ҳисобланувчи бадаллар ва тўловлар миқдори ўзгаришларига олиб келади. 1-

жадвалда 2010-2021 йилларда Ўзбекистонда Пенсия жамғармаси даромадлари, иқтисодиётда бандлар сони ва ўртача йиллик базавий ҳисоблаш миқдорлари келтирилган. Таҳлилларни

мазкур 1-жадвал маълумотлари асосида амалга оширамиз.

Натижалар. Биламизки, бир миқдорнинг ўзгаришига унга тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган қандайдир омиллар таъсир кўрсатади, бу корреляция коэффициенти билан ўлчанади. Бизнинг тадқиқотимиздаги Пенсия жамғармаси даромадлари (ПЖД)нинг ўзгаришига иқтисодиётда бандлар (ИБ) ва базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ)нинг ўзгаришлари билвосита таъсир қиласи. Корреляция коэффициентини ҳисоблашнинг Пирсон ва Спирман формулалари энг оммабопдир. Пенсия жамғармаси даромадлари (ПЖД) ҳажмининг ўзгаришига иқтисодиётда бандлар (ИБ) ва базавий ҳисоблаш

миқдори (БХМ) ўзгаришларининг таъсири корреляцияси Пирсон формуласи орқали ҳисобланса, мос равища 0,7505 ва 0,9772 га, Спирман формуласида эса мос равища 0,8909 ва 0,8909 га тенг бўлди. Миқдорларнинг йиллар кесимидағи тақсимоти

Skewness/Kurtosis тести орқали текширилганда уларнинг нормал тақсимланганлиги аниқланди, шу нуқтаи назардан Пирсон формуласи (0,7502 ва 0,9772) орқали олинган натижани тадқиқотда қўллаш мақсадга мувофиқdir.

2-жадвал

Пенсия жамғармаси даромадлари ҳажмига омилларнинг корреляцияси

Формула	Иқтисодиётда бандлар	Ўртача йиллик базавий ҳисоблаш миқдори
Пирсон формуласи	0,7505	0,9772
Спирман формуласи	0,8909	0,8909

Юқорида амалга оширилган корреляцион таҳлил ёрдамида Пенсия жамғармаси даромадларининг ўзгариши билан бандлик даражаси ҳамда солиқлар ва мажбурий тўловлар миқдорларини ҳисоблашда қашланиувчи базавий ҳисоблал миқдори ўртасидаги боғлиқлик аниқланди. Бунинг учун 1-жадвал

тузилди ва таҳлилда натижавий омил Пенсия жамғармасининг даромадлари, таъсир этувчи омиллар сифатида эса, иш билан банд аҳоли сони ҳамда базавий ҳисоблаш миқдорлари ўзгариши олинди.

1-жадвал маълумотларини Стата дастури ёрдамида қайта ишлаш асосида куйидаги натижаларга эга бўлдик:

3-жадвал

Пенсия жамғармаси даромадлари ўзгаришлари(ПЖД)га иқтисодиётда бандлар (ИБ) ва ўртача йиллик базавий ҳисоблаш миқдорлари (БХМ) ўзгаришлари таъсирининг регрессия тенгламаси

Source	SS	df	MS	Number of obs	=	10
Model	413418401	2	206709201	F(2, 7)	=	297.24
Residual	4868024.75	7	695432.107	Prob > F	=	0.0000
Total	418286426	9	46476269.5	R-squared	=	0.9884
				Adj R-squared	=	0.9850
				Root MSE	=	833.93

PJD	Coef.	Std. Err.	t	P> t	[95% Conf. Interval]
ИБ	-1.318403	.3862473	-3.41	0.011	-2.231733 -.4050737
БХМ	143.7454	8.500521	16.91	0.000	123.6449 163.8459
_cons	14333.81	4339.382	3.30	0.013	4072.799 24594.82



Пенсия жамғармаси даромадлари (ПЖД)нинг ўзгаришига иқтисодиётда бандлар (ИБ), ўртача йиллик базавий ҳисоблаш микдорлари (БХМ) ўзгаришларининг ўзаро боғлиқлигининг эконометрик моделини ҳосил қиласиз. Мазкур модельнинг индуктив таҳлилига кўра, юқоридаги модельнинг статистик жиҳатдан аҳамиятлилиги ифодаловчи кўрсаткич (*F-статистика*) 0.05 дан кичик, шу сабабли ҳам мазкур модель статистик жиҳатдан аҳамиятли, мустақил ўзгарувчилар (*ИБ ва БХМ*)нинг боғлиқ ўзгарувчига таъсирини кўрсатувчи коэффициентлар ҳам 0.05 дан кичик ҳамда у ҳам статистик жиҳатдан аҳамиятли [10].

Иқтисодиётда бандлар сони (ИБ) ва ўртача йиллик базавий ҳисоблаш микдори (БХМ) нинг Пенсия жамғармаси даромадлари (ПЖД) нинг ўзгаришларига таъсирининг эконометрик модели:

$$\text{ПЖД} = 14333,81 - 1,3184 \text{ИБ} + 143,74 \text{БХМ} + e \quad (1)$$

Бу ерда:

ПЖД – Пенсия жамғармаси даромадлари, млрд.сўм;

ИБ – Иқтисодиётда бандлар сони, минг нафар;

БХМ – ўртача йиллик базавий ҳисоблаш микдорлари;

e – ҳисобга олинмаган омиллар;

Изоҳ: Мазкур модель Стата дастурий мажмуасида ҳисоб китоблар натижасида олинди

Тузилган тенгламанинг детерминация коэффициенти (R-squared) 0,9884 га teng бўлиб, Иқтисодиётда бандлар сони (ИБ), ўртача йиллик базавий ҳисоблаш микдорлари (БХМ) Пенсия жамғармаси даромадлари (ПЖД) ҳажми ўзгаришининг 98,84 фоизини тушунтириб бера олади.

Мунозара. Тенгламадаги эътиборли жиҳат шундаки, Иқтисодиётда бандлар сони ортиши Пенсия жамғармаси даромадлари ҳажмига тескари таъсир қиласи, бу ҳолат мамлакатда бандлик даражасини ошириш борасидаги сиёсатда солик юкини пасайтириш олиб борилаётганлиги, солик ставкаларининг тушириб борилаётганлиги ҳамда сўнги йилларда ишловчи аҳолидан тўланадиган Ижтимоий солик ставкасининг пасайтириб борилаётганлиги ва бошқа бир қатор аҳоли даромадидан тўланадиган мажбурий тўловларнинг бекор қилиниши билан боғлиқдир.

Хулоса. Пенсия жамғармаси даромадлари ҳажмига иқтисодиётда бандлар сони ҳамда базавий ҳисоблаш микдорлари ўзгаришлари кучли таъсир кўрсатади. Мазкур икки омилнинг таъсирини баҳоловчи эконометрик модель орқали Пенсия жамғармасининг даромадлари ҳажми ўзгаришларини прогнозлашда кўллаш мақсадга мувофиқ назаримизда.

Таҳлилда фойдаланилган даврларнинг сўнгти қисмида ижтимоий солик ставкаларининг пасайтирилиши бандлик даражасининг ортиши ҳамда норасмий бандлик даражасининг қонунийлаштирилишига олиб келган. Бу эса ўз навбатида модельда бандлар сони ҳамда Пенсия жамғармаси даромадларидаги тескари боғлиқликни юзага келтирган.

Пенсия таъминоти тизимини эконометрик моделлаштириш натижалари бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини ошириш, пенсия тизими моделини ислоҳ қилиш, пенсия суғуртасини барқарор ривожлантириш бўйича зарур чора-тадбирларнинг амалга оширилишини тақозо этади.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси (<http://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-olij-mazhlisga-murozhaatnomasi>).
2. https://en.wikipedia.org/wiki/2019_E80_932020_French_pension_reform_strike;
3. <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9F%D1%2>;
4. <https://www.ipe.com/spain-protests-as-pension-cuts-loom/10024378.article>;
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йилнинг 21 ноябрь куни аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишлиланган йиғилишидан. <https://uza.uz/oz/posts/aholini-ijtimoiy-muhofaza-qilish-sohasida-yangi-tizim-joriy--21-11-2019>;
6. Маматов Б.С. Ўзбекистон Республикасида фуқаролар пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш йўналишлари. Иқт. фан. докт (DSc) дисс. автореф. – Т.: ТМИ, 2022. – 82 б. 5-б.;
7. Sholdorov, D. (2019) "FACTORS FOR ENSURING THE FINANCIAL SUSTAINABILITY OF THE PENSION SECURITY IN UZBEKISTAN," International Finance and Accounting: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 26.;
8. Tursunov, J. (2020) "WAYS TO ENSURE THE FINANCIAL STABILITY OF THE PENSION FUND WHEN IMPROVING THE STATE PENSION PROVISION," International Finance and Accounting: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 5.;
9. Safaralievich M.B., Ulugbekovich A.U. FACTORS OF DEVELOPMENT PENSION PROVISION SYSTEM IN UZBEKISTAN //Journal of Contemporary Issues in Business and Government Vol. – 2021. – Т. 27. – №. 4.;
10. Safaralievich, Mamatov Bakhadir, Achilov Uygunjon Ulugbekovich, and Khaydarov Askarbek. "Analysis of factors influencing the volume of investments." *Academicia Globe: Inderscience Research* 2.05 (2021): 208-214.